

ISSN2181-9556

DoiJournal10.26739/2181-9556

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ЖУРНАЛИ**

---

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ  
ИССЛЕДОВАНИЙ**

---

**JOURNAL OF SOCIAL STUDIES**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556>

**Ижтимоий тадқиқотлар журнали / Журнал социальных исследований /  
Journal of Social Studies**

№5 (2019) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5>

**Бош муҳаррир  
Главный редактор  
Chief Editor**

к.соц.н.

(Candidate of sociology PhD)  
Сейтов Азамат Пулатович

**Бош муҳаррир ўринбосари  
Заместитель главного редактора  
Deputy Chief Editor**

к.соц.н.

(Candidate of sociology PhD)  
Сабирова Умида Фархадовна

**"Ижтимоий тадқиқотлар" журнали тахририй маслахат кенгаши  
International Editorial Board of the Journal of Social Studies  
Международный редакционный совет журнала "Социальные исследования"**

**22.00.01-Социология назарияси, методологияси ва тарихи.Социологик тадқиқотлар усуллари.  
/ Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований. / Theory,  
methodology and history of sociology. Methods of sociological research.**

- Д.соц.н., проф. Бекмуродов М.,
- К.соц.н., проф. Каланов К.,
- К.соц.н., доц. Убайдуллаева Р.
- Д.ф.н., проф., Московский государственный университет им. М.В.Ломоносова (РФ)  
Щепилова Галина Германовна
- Директор Центра независимых социологических исследований Рожанский Михаил (РФ)

**22.00.02 Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи./Социальные структуры,  
социальные институты и образ жизни./Social structures, social institutions and way of life**

- Д.соц.н., проф. Умаров А.,
- Д.соц.н., проф. Холбеков А.,
- К.и.н., доц. Сабиров А.,
- Antonio Alonso Marcos,  
Ph. D. on International Relations (Испания)
- Д.и.н., проф., Пермский государственный национальный исследовательский университет  
(РФ), Фадеева Любовь Александровна

**22.00.03 Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси. / Социология социального сознания  
и социального процесса. / Sociology of social consciousness and social process**

- Д.соц.н., проф. Ганиева М.,
- Д.э.н., проф. Аликариев Н.,
- Д.соц.н., проф. Магибаев Т.,
- К.с.н., доц. Парманов Ф.
- Д.и.н., проф., Институт по изучению Центральной Азии Шэньчжэньского Педагогического  
Университета (КНР) Ли Ци.
- Д.соц.н., проф., Институт экономики и управления Мичуринского государственного аграрного  
университета. (ФГБОУ ВО "МГАУ") Сухомлинова Марина Валерьяновна,
- К.ф.н., проф., Казахстано-немецкий университет Бурашев Рустам Ренатович

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергеев 6, улица  
Мехригиё, 1-А.  
[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz) Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergelii 6,  
Mehrigiyo Street, 1-A.  
Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ  
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Содиқова Гулбарно Одилжон қизи,  
Ўзбекистон халқаро Ислам академияси  
e-mail: sodikovashohida@rambler.ru

ЎСМИРЛИК ДАВРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ  
(хорижий тажриба)



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-5-12>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўсмирлик даврининг ўзига хос жиҳатларини хорижий тажрибани ўрганиш асосида тадқиқ этилган. Шунингдек, ушбу давр ривожланишининг асосий қонуни "эпигенетик" принципитга асосан ҳар бир босқичида олдинги босқичларга хос бўлмаган янги ҳодисалар ва хусусиятлар юзага келиши таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** ўсмирлик даври, ривожланиш босқичлари, ўзига хослик, хорижий назариялар.

Содиқова Гулбарно Одилжон қизи,  
Международная Исламская академия Узбекистана  
e-mail: sodikovashohida@rambler.ru

ОСОБЕННОСТИ ПОДРОСТКОВОГО ПЕРИОДА  
(зарубежный опыт)

АННОТАЦИЯ

В данной статье изучены особенности подросткового возраста на основе изучения зарубежного опыта. Кроме того, в соответствии с принципом "эпигенетики" основного закона развития этого периода анализируются новые явления и особенности, которые не свойственны предшествующим этапам на каждом этапе.

**Ключевые слова:** подростковый возраст, этапы развития, особенности, зарубежные теории.

Sodikova Gulbarno Odiljon kizi,  
International Islamic Academy of Uzbekistan  
e-mail: sodikovashohida@rambler.ru

FEATURES OF THE ADOLESCENT PERIOD  
(Foreign experience)

ANNOTATION

This article examines the features of adolescence based on the study of foreign experience. In addition, in accordance with the principle of "epigenetics" of the basic law of development of this period, new phenomena and features that are not peculiar to the previous stages at each stage are analyzed.

**Keywords:** adolescence, stages of development, features, foreign theories.

**For citation:** Sodikova Gulbaro. Features of the adolescent period (Foreign experience). International Journal of Social Studies. 2019, vol. 1, issue 5, pp. 90-97

**Х**ар бир шахс ўз ёш даврига хос муайян ижтимоий муносабатлар эгаси ҳамда унга жамият томонидан кўрсатиладиган кўплаб иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий таъсирларнинг объекти ҳисобланади. Шахснинг характери, темпераменти, қобилияти руҳий жараёнларни бошдан кечирганда, меҳнат фаолиятида, турмушда ўзини намоян этади. Демак, психик жараёнлар, психик ҳолатлар ва психик хусусиятларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда алоқадорлик, шахснинг психологик тузилишини ташкил этади. Афсуски, биз баъзан инсон ҳақида фикр юритганимизда, соғлиқ, касаллик ва учинчиси соғлиққа ҳам, касалликка ҳам қўшилмайдиган бир ҳолат ҳақида фикр юритишимизга тўғри келади.

Ўсмирлик - болаликдан катталikka ўтиш даври бўлиб, физиологик ва психологик жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Бу босқичда болаларнинг жисмоний ва психик тараққиёти жуда тезлашади, ҳаётдаги турли нарсаларга қизиқиши, янгиликка интилиши ортади, характери шаклланади, маънавий дунёси бойиб боради, зиддиятлар авж олади. Ўсмирлик балоғатга етиш даври бўлиб, янги ҳислар, сезгилар ва жинсий ҳаётга тааллуқли чигал масалаларнинг пайдо бўлиши билан характерланади [1]. Шунинг учун ҳам, ўсмирлик даври "ўтиш даври", "инқироз даври" (кризис), "қалпис даври", "қийин даври", балоғат даври" каби номларни олган психологик кўринишлар билан характерланади.

Булар таъсирида ўсмирнинг характери, атрофдаги кишилар билан муомаласи, жамиятда содир бўлаётган воқеаларга муносабати тез ўзгариб боради. Баъзан ижтимоий масалалар тўғрисида нотўғри тасаввур ва янгилик фикрлар хосил бўлиши туфайли у муайян тартиб-қоидаларга танқидий кўз билан қарайди. Ўсмирда психик жараёнларнинг кескин ўзгариши билан ақлий фаолиятда ҳам бузилишлар сезилади. Шунинг учун шахслараро муносабатда, ўқувчи билан ўқитувчи мулоқотида, катталар билан ўсмирларнинг муомаласида қатъий ўзгаришлар жараёнида қийинчиликлар пайдо бўлади. Булар, аввало, таълим жараёнида рўй беради: янги ахборот, маълумотларни баён қилиш шакли, услуби ва усуллари ўсмирни қониқтирмай қўяди.

Хўш, ўсмирларнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч нима? Ўсмирнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч - унинг фаолиятини вужудга келтирган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар тизимининг намоян бўлишидир. Вужудга келган зиддиятларни психологик камолотини таъминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш орқали ўсмир шахсида янги психологик фазилатларни таркиб тоштириш билан аста-секин йўқотиш мумкин[2].

Ўсмирлик 10-11 ёшлардан 14-15 ёшларгача бўлган даврни ташкил этади. Ҳозирги ўсмирлар ўтмишдошларига nisбатан жисмоний, ақлий ва сиёсий жиҳатдан бир мунча устунликка эга. Уларда жинсий етилиш, ижтимоийлашув жараёни, психик ўсиш олдинроқ намоян бўлмоқда. Аксарият ўқувчиларда ўсмирлик ёшига ўтиш, асосан, 5-синфлардан бошланади. "Энди у бола эмас, лекин ҳали катта ҳам эмас"- аини шу таъриф ўсмирлик даврининг муҳим характерини билдиради[3]. Бу ёшда ўсмир ривожда кескин ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Бу ўзгаришлар юқорида айтганимиздек, физиологик ҳамда психологик ўзгаришлардир.

Физиологик ўзгариш жинсий этилишнинг бошланиши ва у билан боғлиқ равишда барча аъзоларнинг мукамал ривожланиши ва ўсиши, ҳужайра ва организмда тузилмаларининг қайтадан шакллана бошлашидир. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгаришлари билан боғлиқдир. Бу даврда ички секретия безларидан бири "гипофиз" безининг функцияси фаоллашади. Унинг фаолияти организм тўқималарининг ўсиши ва муҳим ички секретия безларининг (қолқонсимон без, буйрак усти, жинсий безлар) ишини кучайтиради. Натижада, бўй ўсиши тезлашади, жинсий балоғатга етиш (жинсий органларнинг ривожланиши, иккиламчи жинсий безларнинг пайдо бўлиши) амалга ошади[4].

Ўсмирлик ёшининг классик тадқиқотига назар солсак, унда турли хил назариялар, фаразлар ва фундаментал изланишлар борлигининг гувоҳи бўламиз. Ўсмирлик ёшига хос ёрқин психологик концепциялардан бири - XX асрнинг бошларида Л.С.Виготский (1930) томонидан яратилган маданий-тарихий назария бўлиб, унда мазкур ёш симптоматикаси, ўсмир психологиясидаги барқарор ва тарихий ўзгарувчанлик, унинг феноменларига оид илмий концепцияларнинг интерпретацияси берилган[5].

С.Холл (1940) ўзининг рекапитуляция назариясида ўсмирлик ёши инсоният ривожланиш тарихининг романтик эпохасига тўғри келиб, болалик билан катталик орасидаги босқич эканлигини таъкидлайди. У ўсмирнинг характерида парадоксаллик ва амбивалентлик ҳолатларини изоҳлаб, уларнинг фаолиятларида ўта фаоллик ҳукмронлик қилишига эътиборни қаратиб, уларда шодлик ўрнини қайғу, ўзига ишонччи тортинчоқлик, худбинликни альтруизм, маънавий интилувчанликни паст қўзғалувчанлик, мулоқотмандлик истагини писмиқлик ва ҳоказолар тезкор ўрин алмашиши билан ифодаланишини, ўзини ўзи англаш кризиси билан боғлайди. Яъни, уни енгиб ўтиш "индивидуалликни ҳис этиш"га сабаб бўлишини исботлайди.

Америкалик психолог А.Гезелл (1880-1861) С.Холл каби ривожланишнинг биологик моделига асосланади ва бунда янгилашни, интеграция ва мувозанат ўрин алмашади, деб ҳисоблайди. "Ўсиш" ва "ривожланиш" Гезелл учун синоним ҳисобланади ва у хулқ-атвор усулининг прогрессив дифференциация ва интеграция жараёнини билдиради [6]. А.Гезелл маданий таъсирни тан олган ҳолда, "маданият йўналтиради, лекин ривожланиш босқичлари ва тенденциясини келтириб чиқармайди", деб таъкидлайди. Индивидуалнинг ўқитилиши ва маданиятга қўшилиши қанчалек муҳим бўлмасин, у ҳеч қачон этилиш таъсиридан ўзиб кета олмайди.

А.Гезеллнинг "қандай қилиб ривожланиш жараёни ва шахслилик хусусиятлари индивидуалнинг хулқ-атворига акс этади?", деган савол қизиқтиради. Турли ёшдаги болаларнинг хулқ-атворини кузатиб, у ўсмир тараққиёти босқичлари ва пикларининг умумлашган баёнини яратади. Бу баёнда у ҳар бир босқич учун нормал, деб ҳисобланган хулқ-атворни хронологик кетма-кетликда тасвирлайди. А.Гезелл назариясида, асосан, биологик йўналтирилганлик хусусиятига эга бўлиши билан бирга, унда этилиш жараёни хулқ-атвор хусусиятлари ва тараққиёт тенденциясининг вужудга келиши кетма-кетлигини аниқлаб берувчи биологик ва генетик омиллар биргаликда бошқаради, деб тахмин қилинади. А.Гезелл шу нарсани тушунтиришга интиладики, яъни у ўсмир тараққиёти босқичларини ифодалаб туриб, кузатиладиган ўзгаришлар аста-секинлик билан шаклланиши ва бир-бирини тўлдиришини эътироф этади. Унинг фикрича, индивид тараққиёти

кетма-кет эмас, спиралсимон йўналишида рўй беради[7]. А.Гезели назарияси жуда кўп психологлар томонидан қаттиқ танқидга учради.

Инсоннинг биоижтимоий табиатини тан олган ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, асосий детерминант-ташқи ижтимоий муҳит, ташқи ҳолатлардир. Бироқ, ёш ривожланишига этилишнинг ички жараёнлари маълум маънода таъсир этар экан, бу нарса фақат организмнинг эмас, балки психика ва индивид ривожланиш босқичлари, ёш давларининг босқичма-босқич алмашинув қонуниятларига, шу залда ҳар бир ёш босқичида психик ривожланиш хусусиятлари қонуниятларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Ўсмирлик даврининг йирик тадқиқотчиларидан яна бири немис файласуфи ва психологи Э.Шпрангер (1924) ўсмирлик ёши қизларда 14-21 ёш ва ўғил болаларда 13-19 ёшларгача давом этиб, унинг биринчи босқичи 14-17 ёшларга тўғри келиб, бу ёшда болаликдан қутулиш содир бўлишини изоҳлади. У ўзининг ўсмирлик ёшининг маданий-психологик концепциясида ривожланишнинг уч типи мавжудлигини ажратади. Биринчи тип - кескин, инқирозли, шиддатли кечади ва ўсмир ўзининг иккинчи туғилишини ҳис этади, оқибатда янги "Мен" вужудга келади. Иккинчи тип - ўсмирнинг улгайиш ҳаётида босиқлик, сокинлик, узлуксизлик сезилиб, унинг шахсиятида чуқур ва жиддий ўзгаришлар рўй бермайди. Учинчи тип - бу ривожланиш жараёнининг шундай босқичи, ўсмир ўз ички кечинмалари ва инқирозларини матонат билан енгиб, ўзини ўзи фаол англаган ҳолда шакллантиради ҳамда тарбиялайди [8]. Шундай қилиб, Э.Шпрангер мазкур ёшнинг ташкил этувчилари ўз индивидуаллигини англаш, рефлексиянинг вужудга келиши, "Мен"нинг очилиши эканлигини исботлаб, ўсмирнинг дунёқарашларини, қадриятларини, ўзини ўзи англашнинг ўрганишнинг систематик тадқиқотига асос солди[9].

Ўсмирлик ёшини "пубертат давр" деб атаган Ш.Бюлер ишларида ушбу даврнинг биологик моҳияти очиб берилган. Пубертат давр - бу биологик ўсиш даври бўлиб, жинсий этилиш ўз ниҳоясига етади, аммо жисмоний ривожланиш давом этади. У пубертат даврдан олдинги босқичи инсоннинг болалик, ушбу даврнинг туташини ўспиринлик, деб атайди. Ш.Бюлер пубертат даври иккига: психик ва жисмоний даврларга ажратади. Ўсмирнинг этилишига таъсир этувчи ташқи ва ички қўзғатувчилар ундаги ўзидан ўзи қониқшини ва ҳотиржамлигини издан чиқариб, уни ўзга жинсни қидиришга ундайди. Биологик этилиш уни изланувчан қилиб қўяди ва унинг "Мен"ида "У" билан учрашиш истаги туилади. Яъни, Ш.Бюлер психик пубертатликни танадан фарқлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, жисмоний этилиш ўғил болаларда ўртача 14-16 ёш, қиз болаларда эса 13-15 ёшларга тўғри келади [10].

Албатта, бундай фарқлашларда шаҳар ва қишлоқ, алоҳида мамлакатлар ва ҳатто иқлимнинг таъсири ҳисобга олинади. Пубертатликнинг қуйи чегараси 10-11 ёш, юқори чегараси 18 ёш бўлиши керак. Ушбу даврнинг негатив хусусиятлари сифатида ўсмирнинг уришқоқлиги, инжиқлигини ифодаловчи жисмоний ва руҳий толиқиш, нотинч, осон қўзғалувчан ҳолат, юқори сезувчанлик ҳамда қўзғалувчанликни кўрсатади. Ўсмирларнинг ўзларидан қониқмасликлари аста-секин атрофдагиларидан ҳам қониқмасликларига сабаб бўлиб, бошқа тусдаги интилишлари билан уйғунлашади ва турли салбий фикрлар шаклланишига олиб келади. Яъни, ўсмирларда "суэт меланхолия" ва "тажовузкор ҳимоя" шаклланади. Мазкур даврнинг ижобий хусусиятларидан бири тарзида қандайдир гўзалликнинг

англанган кечинмаларини, муҳаббат туйғусини мисол қилиб келтиради. Демак, Ш.Бюлернинг илмий уринишлари пубертат ёшни органик этилиш билан психик ривожланишнинг уйғунликда кечинини кўрсатишга қаратиландир.

Ш.Бюлернинг изланишларига таянган Г.Гепер пубертат давр салбий босқичининг 13-16 ёшлари оралиғида ўй-ҳаёларга берилиш, яқин дўстга эҳтиёж сезиш ва "дўстни излаш" га уринишда ижобий босқичга ўтишини таъкидлайди.

Э.Шпрангернинг издошларидан бири В.Штерн ўсмирлик ёшини шахс шаклланишининг асосий босқичларидан бири, деб қарайди. В.Штерн "дўстнинг кўрсатсанг, кимлигини айтаман", деган нақлга "ҳаётингдаги энг қимматли кечинмангни айт, мен сенинг кимлигингни айтаман", деган маъно бериб, уни изоҳлашга ҳаракат қилади. Чунки, ўсмир ҳаётининг мазмунини ташкил этувчи кечинмалар таъсирида унинг шахси шаклланади. Қимматга эга кечинмалар эса унинг шахсини тишларга ажратишга ёрдам беради. Шу тариқа В.Штерн олтига тишни ажратади:

а) назарий тип - шахснинг барча интилишлари борлиқни англашга қаратилади;  
б) эстетик тип - бундай шахс учун объектив борлиқни англаш ёт бўлиб, у индивидуал танланганликка эга;

в) иқтисодчи тип - бундай шахснинг савъи-ҳаракатларидаги шиори қилиб, кўпроқ фойда (натижа)га қаратилган бўлади;

г) ижтимоий тип - ҳаётининг мазмунини муҳаббат, муомала ва ўзгалар учун яшаш ташкил этади;

д) сиёсий тип - бундайлар учун мансабга интилиш, таъсир ўтказиш ва буйруқ бериш хосдир;

е) диний тип - ҳар қандай воқеани ҳам ҳаётнинг ва дунёнинг моҳияти билан ҳаспўнланга уринади.

В.Штерннинг фикрича, ўтиш даври нафақат идеал ва интилишлар, ҳислар ҳамда фикрларнинг йўналганлиги, балки ҳаракатларнинг ўзига хос сиймоси (образи) ҳамдир. У буни болаликнинг ўйинлари билан катталикнинг масъулиятли фаолияти оралиғидаги ҳолат, деб атаб, унга "жиддий ўйинлар", деб ном беради. Жиддий ўйинлар ўсмирнинг мақсад қўйишига, турли қизиқишларга ўз муносабатини билдириши ва қиссий таҳлил қилишидаги иккиланишларини бартараф этишида ҳамда унинг иродаси мустаҳкамланишига имкон беришини таъкидлайди [11].

Шундай қилиб, ўсмир ёшнинг классик тадқиқот даври ХХ асрнинг бошларида болалар психологиясининг мустақил фан сифатида ривожланиш босқичига тўғри келиб, энг қийин психологик ёш, деб тан олинди ва ўсмир шахси ривожланишидаги ҳар қандай ўзгаришлар тадқиқотчилар томонидан жинсий этилиш жараёни билан боғлаб тушунтирилди.

Мазкур асрнинг иккинчи ярмидан ўсмир ривожланишида муҳитнинг ҳам роли борлиғига эътибор қаратилди. Э.Эриксон ўсмирлик ёши - инсон ҳаётининг энг қийин давларидан бири бўлиб, унинг яхлит шахс сифатида шаклланиши, нафақат физиологик этилиш, шахсий биография, балки жамиятдаги маънавий муҳит ва мавжуд ижтимоий мафкурага нисбатан ички норозиликдан иборат психологик зўриқиш даври эканлигини изоҳлашга интилади.

Яна бир илмий концепция Ж.Пиажега тегишли бўлиб, у 11-12 ёшдан 14-15 ёшгача охириги фундаментал децентрация, яъни боланинг идрок майдонини ўз объектдан қутулиши ва унда дунёни қандай ўзгартириш керак, деган нуқтани

назарнинг бошланиши билан тушунтиришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, бу ёшда ҳаётӣ дастур (типодедуктив, яъни тафаккур ёрдамида) тузилиб, шахс шаклланиши тугалланади. Ўз режаси ва дастурига эга ўсмир катталар жамиятига қадам қўяди, унда турли тўсиқларга учрайди, маълум маънода уларга боғланади ва ижтимоийлашув жараёнини бошдан кечиради.

Шу тариқа ўсмирлик ёши муаммоларига бағишланган тадқиқотларда янги йўналиш бошланди. Бу Л.С.Выготский ва унинг мактаби билан боғлиқ ишлардир. Л.С.Выготский ўтиш даврига хос қизиқишлар муаммосини атрофлича ўрганиб, бунини "ўсмирнинг психологик ривожланишидаги муаммоларни ҳал қилишнинг ягона қалитидир", деб изоҳлайди. Ўсмирлик ёши эски қизиқишларнинг бузилиши ва йўқолиши ҳамда янги биологик асосга эга янги қизиқишларнинг вужудга келиши даври ҳисобланиб, унда бир неча ёрқин қизиқишлар мавжуд бўлиб, уларни доминант қизиқишлар, деб атади. Улар: эгоцентрик, яъни ўз шахсига қизиқиш, келажагига қизиқиш, яъни бугунги кунни эмас, балки узоқни кўра билишига қаратилган установка; зўр бериш (ҳаракат), яъни қайсарликка асосланган иродавий зўриқиш, тарбия усулларига қаршилик кўрсатишдан иборат салбий ҳаракатлар, ҳаёшпарастлик, яъни ўсмирнинг саргузаштларга бой, турли қаҳрамонликлар кўрсатишга интилишлари билан боғлиқ таваккалчилигидан иборат [12].

Ж.Пиаже каби Л.С.Выготский ҳам ўсмирлик давридаги тафаккур ривожланиши тушунчаларни ўзлаштириш асосига кечишини ва ўсмир тафаккури субъектив шаклга эга бўлиб, ўзгарадан "сир" тугиладиган интим жабҳаларга қаратилишини ҳамда ўсмир шахсининг ички ўзгаришларини қамраб олувчи рефлексия ривожланиши, яъни ўзлигини англашдек янгиланишлар рўй беришини қайд этади. Ушбу психологик янгиланишлар ўсмирнинг мотивацион тизимида маълум салбий реакциялар қўзғатиб, ички ва ташқи низоларни келтириб чиқаради ҳамда тарбияси "қийин"лик кўрсаткичига айланади. Жумладан:

- ўсмир шахсидаги асосий янгиланишлардан бири - "катталиқ ҳисси" (Т.В.Драгунов, 1961) ўсмирнинг ўзи ҳақида "энди кичкина эмасман" тасавурининг шаклланишига сабаб бўлиб, унинг қондирилмаслиги атрофидаги катталар билан турли низоларнинг тугилишига турткидир;

- ўсмир шахси янгиланишларидан яна бири - ўсмир фаолияти ва ҳулқини аниқловчи ўзини ўзи баҳолаш эҳтиёжи (Е.И.Савонько, 1972) бўлиб, унинг қондирилмаслиги ўсмир - ўқитувчи муносабатлари доирасида "маънавий тўсиқ" (Л.С.Славина, 1969) вужудга келишини таъминлайди, муайян шароитларда "ноадекватлик аффекти"ни кучайтиради;

- ўсмир шахсининг йўналганлик белгиси сифатида, унинг мотивацион - эҳтиёж доирасидаги барқарор эҳтиёж ва мотивларнинг мустаҳкамланиши ҳисобланади. Унинг етарли даражада доминантликка ўсиб ўтмаслиги, баъзан ахлоқий ҳулқ мотивларининг шаклланишига олиб келади (Г.Г.Бочкарева, 1972);

- ўсмирнинг жамоада (синфда, оилада ва ҳоказолар) ўзининг аниқ ўрнига эга бўлишига интилиши ҳам мазкур ёш янгиланишларидан бири бўлиб, унинг қондирилмаслиги (Д.И.Фельдштейн, О.В.Лишин, 1991) ўсмирда "мен ва гуруҳ" муносабатларидан "кўча" микромуҳитини танлаш имконияти учун замин яратади ва ўқишдаги, синф жамоасидаги, реал ҳаётидаги барча муваффақиятсизликлар ўрнини қопловчи "улфатлар гуруҳи"нинг аъзосига айлантиради ва унда "янги ҳаёт" бошланади.



Болалик ҳаётида латент ҳолатидан ўсмирликка ўтишда бир қатор ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришлар бола ҳолатини хулқ-атворига кўра аниқ ўрганган ота-оналар ва ўқитувчилар учун ривожланишдаги регрессия сифатида катта ташвиш ва қайғуга сабаб бўлган. Латент ёш давридаги (5 ёшдан 11-12 ёшгача) аниқ ва яққол ифодаланувчи характер хислатлари ўрнини, ўсмирлик ёшида (тахминан 11-12 ёшдан то 14 ёшгача) ўз худбинлиги, атрофидагиларга бефарқлиги, оилавий ўзаро муносабатлардаги дисгармония, шахслараро субординациянинг бузилиши, ўз диққатини ўқув предметларига тўшлай олмаслик, ўқишга нисбатан қизиқишларининг сўниши ва ҳоказолар каби бир қатор иллатларни эгаллаши билан у яна ҳаммани ҳайратга солади.

1922 йилда Эрнст Джонс ўзининг "Ўсмирлик ёшининг айрим муаммолари" номли мақоласида ўсмирлик ва илк болалик даврининг ўзига хос корреляцияларини очиб беришга муваффақ бўлди. Э.Джонснинг фикрича, "индивид ҳаётининг биринчи 5 йилида эришган тажрибаларини иккинчи ўн йилликда умумлаштиради ва давом эттиради", дейди. Унинг қарашларини давомчиси сифатида веналик олим Зигфрид Бернфельд ўсмирлик давридаги индивидуал ва гуруҳий хулқнинг барча жабҳаларини, ижтимоий таъсирларга реакция, сублимация ва ҳоказоларини атрофлича ўрганади. Унинг психоаналитик назарияга қўшган асосий ҳиссаси, ўсмир ўтил болаларида "чўзилган тип" деб номлануви махсус тишни ажратганлиги бўлди. Ушбу тип ўсмирлик даврининг меъёрий кечидан узайганлиги билан фарқланади. Ўз фикрини тасдиқлаш мақсадида, Бернфельд Хоффер билан ҳамкорликда ўсмирларнинг ўзини ўзи кузатиши натижалари, қундаликлари, ижодий изланишлари ва бошқа маълумотлари асосида мақола ёзади.

А.Фрейднинг фикрича, ўсмирлик ёшига оид далилларни излашда айрим қийинчиликларга дуч келинади. Масалан, ўсмирнинг психик ҳолатини ўрганишда асосан икки; а) конкрет индивиднинг таҳлилда, айни вақтда қидирилаётган психик ҳолатга; б) психик даволаш вақтида, яъни ушбу ҳолат реконструкциясиги дуч келамиз. Ҳар икки ҳолда ҳам уларни тўғридан-тўғри қўллаш бир мунча қийиндир. А.Фрейд гўдаклик даврининг психик жараёнлари ҳақидаги билимларимиз, ўсмирларни таҳлил қилиш мобайнида ва уларни кузатиш орқали қўлга киритилган маълумотларга асосланганлигини таъкидлайди. Шунингдек, аналитик терапия учун "ташландиқ" объектга мазкур усулларни қўллаш энг самаралидир [13].

Ўсмир эмоционал курашга қатъий киришади, бу курашда ундан жуда тезкорлик ва қатъийлик талаб этилади. Унинг либидоси янги объект излашда давом этади. Бундай ўсмирларни кузатиш шунга кўрсатадики, "эркин" либидо ҳақидаги таҳлилимиз даволаш вақтида айнан: а) уларни ҳамкорлик қилмасликлари учун интилишларида, аналитиклар билан муносабатларига эътиборсизлик; б) ҳафта давомидаги сеанслар сонини қисқартиришга уринишларида; в) беسابаб сеансларга келмаслик; г) умуман даволашдан бош тортишларида ўз аксини топади.

Баъзан аналитикнинг ўзи ўсмир учун қидирилаётган "объектга" айланishi мумкин. Даволашнинг қандай натижа билан якунлашидан қатъи назар, аналитик ўсмирлик ёшининг ўзига хос қийинчиликларини: а) унинг эҳтиёжлари қондирилишини кечиктириб бўлмаслиги; б) фрустрация ҳолатини кўтара олмаслиги ва ҳар қандай алоқани тушуниш ҳамда билиш негизи, деб эмас, балки бунга истакларнинг рўёбга чиқиш усули, деб қараш; в) ўсмир психикасининг

онгсизлик моҳиятини, бузилишлар вужудга келишининг механизмлари ҳамда бузилишининг типик структурасини янада чуқурроқ ўрганиш заруратлигидан далолат беради.

Тараққиёт психологиясида неофрейдизмнинг кўзга қўринган намоёндаларидан бири - америкалик олим Эрик Эриксондир. Унинг фикрича, инсон ривожланиши автоном бўлса-да, бир-бири билан боғлиқ 3 та жараёндан тузилади: биологияда ўрганиладиган соматик ривожланиш, психологияда ўрганиладиган анланган "Мен" ривожланиши ҳамда ижтимоий фанлар томонидан ўрганиладиган ижтимоий ривожланиш.

Ривожланишнинг асосий қонуни - "эпигенетик" тамойилга асосан ривожланишнинг ҳар бир босқичида олдинги босқичларга хос бўлмаган янги ҳодисалар ва хусусиятлар юзага келади. Ривожланишнинг янги фазасига ўтиш ташқи кўринишдан патологик ҳолатни эслатадиган "норматив инқироз" тарзида кечади, лекин аслида ўсишнинг нормал қийинчиликларини билдиради.

Юқоридаги фикрлардан кўриб турганимиздек, ўсмирлик даври психология фанида мавжуд бўлган назария вакиллари томонидан турлича таърифланади ва баҳоланади. Шунини таъкидлаш жоизки, бу мунозаралар ҳали хануз давом этмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Зуфарова М., Шобекова М., Исаханова М. Ёш ва педагогик психология: Маъруза матнлари. - Қўқон, 2003. - 22 б.
2. Ғозиев Э., Сапаров М. Онтогенез ва дифференциал психология. - Тошкент, 2014. - 143 б.
3. Дўстмухамедова Ш.А., Нишанова З.Т., Жалилова С.Х., Каримова Ш.К., Алимбаева Ш.Т. Ёш даврлари ва педагогик психология. - Тошкент, 2013. - 144-145 б.
4. Дўстмухамедова Ш.А., Нишанова З.Т., Жалилова С.Х., Каримова Ш.К., Алимбаева Ш.Т. Ёш даврлари ва педагогик психология. - Тошкент, 2013. - 145 б.
5. Душанов Р.Х., Фарфиев Ё.А. Касбий психология: Маърузалар курси. - Тошкент, 2010. - 65 б.
6. Gesell, A. & Ilg F. L. Child development, an introduction to the study of human growth. - New York, 1949.
7. Gesell A., Thompson H., & Amatruda C. S. The psychology of early growth, including Norms of infant behavior and a method of genetic analysis. - New York, 1938.
8. Шпрангер Э. Психология юношеского возраста. Psychologies des Jugendalters // "Педагогика юности". - М.-Л.: Литература, 1931.
9. Болалар психологиясининг муаммолари. М.Зуфарова таҳрири остида. Муаллифлар жамоаси / Ўқув қўлланма. - Тошкент: Фан, 2008.
10. Buhler Ch. Basic theoretical concepts of humanistic psychology. - Amer. Psychol., 1971, v. 26, - No. 4.
11. Штерн В. Дифференциальная психология и её методические основы Die differentielle Psychologie in ihren methodischen Grundlagen / [Послест. А. В. Брушлинского и др.]; РАН, Ин-т психологии. - М.: Наука, 1998.
12. Л.С. Выготский Лекции по педологии 1933-1934 гг. - Ижевск: Удмуртский ун-т, 1996.
13. Психоанализ детской сексуальности (З. Фрейд, К.Абрахам, К.Г. Юнг, Э. Джонс, Ш. Ференци) / Под ред. В.И. Лукова. - СПб., 1997.

## МУНДАРИЖА

<b>Seitov Azamat.</b> Civilization and cultural approach in the development of humanity.....	3
<b>Sodikova Shokhida.</b> The use of digital sociology in management.....	11
<b>Akramov Khusan.</b> Social relations as an important component of social capital.....	17
<b>Akhmedova Feruza.</b> Questions of domestic pharmaceutical education.....	31
<b>Khodjaev Sobir.</b> The role and social functions of entrepreneurship in life of society.....	40
<b>Ivanishin Anatoliy Anatolievich,</b> <b>Guzenina Svetlana Valer'evna, Sabirova Umida Farhadova.</b> To the question of the system of spiritual and moral values of the student youth: experience of empirical research.....	47
<b>Siyaeva Gulnora.</b> Sociological discourse in the development of civil society.....	55
<b>Tolipov Abdugaffar.</b> The importance of an axiological approach in determining the behavior of young people.....	64
<b>Kadirova Xalima.</b> National Traditions as a driving force in realizing identity and customs.....	69
<b>Fayzieva Farogat.</b> The role of applied sociological research in ensuring the sustainable development of society.....	78
<b>Sodikova Gulbarno.</b> Features of the adolescent period (Foreign experience).....	90

ISSN2181-9556

DoiJournal10.26739/2181-9556

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ  
ИССЛЕДОВАНИЙ**

**JOURNAL OF SOCIAL STUDIES**

**№5 (2019)**

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6,  
улица Мехригиё, 1-А.  
[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz) Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,  
Mehrigho Street, 1-A.  
Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000